

## ЗАРДУШТИЙЛИКНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАНБАИ - "АВЕСТО"ДАГИ ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИК ТАЛҚИНИ

*Тургунбоев А., Н. Н. Нарзиева*

*Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti*

**Annotatsiya:** Марказий Осиёнинг исломгача бўлган даврдаги унинг умумий тарихини, хусусан ахлоқ-одобга доир қарашлар тарихини ўрганиш учун қадимий форсий ёзувлар юнон тарихчилари Геродот, Страбоннинг тарихий ва географик асарлари, Зардуштийлик динининг муқаддас китоби "Авесто" ҳамда бир қатор бошқа манбалар катта аҳамиятга эга.

**Kalit soʻzlar:** Ахурамазда, зардуштийлик, доривор ўсимликлар йиғиш, уч яхши ишда сусткашлик қилмаслик, уч ёмон ишдан, ёмон хулқдан, ёмон сўзда ва ёмон амалдан юз угиришга, тарбиячилар ва муаллимларнинг бурчлари, рост сўз, покликҳақида, Авесто таълими.

Айниқса, "Авесто" Марказий Осиё халқларининг ахлоқ-одоби қарор топиши ва ривожланиши тарихини ўрганиш учун муҳим қимматли манба ҳисобланади. "Авесто" диний мазмунда бўлиши билан бир қаторда фалсафа, сиёсат, ахлоқ, турмуш, адабиёт масалаларини ҳам ўз ичига олади.

Авесто таълимотига кўра, иккита куч: яъни, яхшилик ва ёмонлик мавжуд бўлиб, улар бири билан абадий мурасасиз, душманлик ҳолатида бўлиб келади. Яхшилик кучларига Ахурамазда, ёмонлик кучларига Ахриман бошчилик қилади. Инсон ҳаётини, унинг бахти ёки бахтсизлигини ана шу курашнинг натижасибелгилаб беради.

Кишилар ўз амалий ишлари, ижобий ахлоқий фазилатлари билан яхшиликка мойил эканликларини кўрсатишлари ва бу билан ёвуз кучларга қарши курашда яхшилик руҳига кўмаклашишлари лозим, акс ҳолда номуносиб ҳатти-ҳаракат қилувчи киши осонгина ёмонлик қалқонига илиниб қолиши мумкин.

Зардуштийлик динининг пайғамбари Зардушт шундай дейди: "ёлғончиликка ихлос қўйганлар учун абадул-абад азоб-укубатлар тайёрлаб қўйилган. Шу боис инсон ҳаёт мақсадини танлар экан, ўз зиммасига муайян мажбурият олар экан, уни адо этиш учун жавобгар бўлиши лозим.

"Айни пайтда Зардуштийлик дунёвий ишларга фаол муносабатда бўлишга: уй-жой қуришга, чорва, хотин ва бола-чақаларга эга бўлишга, экин-тикин ва дарахт экишга, ерларни суғоришга, мол-ҳол боқишга ва бошқаларга даъват этади. Дунёда қандай жой энг севимли жой, деган саволга Ахура Мазда бундай жавоб беради: "Тақводор киши, ўт-олови ва сут қатиғи, ичида хотини, болалари бўлган уй қурган жой чиндан ҳам энг яхши жойдир".

Кўриб турибсизки, Авестода меҳнат ноз-неъматлар манбаи бўлганлиги учунгина эмас, балки ахлоқий соғломлик, эзгулик манбаи сифатида ҳам улуғланади.



Авестода инсон ижтимоий фойдали меҳнат туфайли барча ёмонликлардан, ёвузликлардан кутилиши мумкин, деган улуғ ғоя ётади. Айниқса, деҳқончиликдаги меҳнат яхшиликнинг юзага чиқишида ва инсонни қайта тарбиялашда асосий омил, Ахурамазда қонунида деҳқончилик меҳнати - эзгулик ва яхшиликнинг намоён бўлишининг ва инсон баркамоллигининг асосий шарти бўлиб, кўриқ ва бўз ерларни ҳайдаш, ерни жамоа ўртасида адолатли тақсимлаш энг савоб ва маъқул иш ҳисобланган: “Кимки ғалла экса олийжанобдир. Ғалла эккан киши эзгулик уруғини сочади. Ахурамазда эътиқодни кучайтиради, эътиқодни мустаҳкамлайди...”. Бу қонуннинг бажарилиши ўз аҳамиятига кўра, ўн минг марта ибодат этиш ёки юзлаб жониворларни қурбонликка сўйишдан афзал ҳисобланган. Деҳқончилик қилиш ердаги ҳар қандай ёвузликка барҳам бериш демақдир. “Олам гўзаллиги деҳқондан, деҳқончиликдан, кимки ерга уруғ қадабди, у одамийликка иймон келтиради, ягона шу йўлгина ҳақиқат бўлиб қолган саробдир”.

Шунингдек, Авестода ўтроқ чорвадорларнинг диний ва дунёвий мафқураси ўз аксини топган. Зардуштийлик инсон чорванинг кўпайишига, яйловларнинг гуллаб яшнашига ёрдам берган тақдирда тинмай меҳнат қилгандагина Ахурамазданинг иноятига нойил бўлади дейилган.

Авестода экология масалаларига, яъни табиатни, ер, сув, дарахт, ўсимлик, жониворларни эъзозлашга, ерни ишлатиб, суғориб, боғ-роғ, экинзор қилишга, чорвани айниқса, йилкичиликни йўлга қўйишга, сувни муқаддас тутишга алоҳида эътибор берилган. Шунга кўра, инсон анҳор ва ариқ бўйларида мол боқишга, отларни боғлашга руҳсат этилмаган, қудуқ ва ҳовуз сувини ифлос қилганларга катта жарима солинган.

Экология қонунларида 4 та нарса: Ер, Сув, Олов ва Ҳаво шундай эъзозланганки, ҳавони булғаш, ифлослантириш, ерга кўмиш, сувга оқизиш, оловда ёқиш гуноҳи азим ҳисобланган.

Демак, зардуштийлик дини қонунларига кўра ер, сув, олов ва ҳавони ифлос қилиш жиноят деб ҳисобланиб, бундай жиноятга 400 қамчи уриб жазоланган ёки қилган жинояти оғирроқ бўлса ўлим жазосига маҳкум этилган.

Инсон ўз ҳаёт йўлини танлар экан, ўз зиммасига мажбурият ва оилавий бурчни бажаришга жавобгардир. Авестода кўрсатилишича, ўсмирлар 15-16 ёшларида балоғатга етган ва турмуш қуриш ҳуқуқига эга деб ҳисобланган. Агар эркак зурриёт қолдириш қобилиятига эга бўлсаю, аммо уйланмаса, унга тамға босишар ёки белига занжир боғлаб юришга мажбур қилишар эди.

Ер юзида инсон зурриётини кўпайишига қарши чиқиб, турмуш қурмай юрган қизни қопга солишиб, 25 дарра калтаклашган. Зардуштийлик қонун-қоидаларида эркак киши уйланиш учун моддий ва маънавий томондан тўқ, сиҳат-саломат ва жисмонан бақувват бўлишга алоҳида эътибор берилган. Бунинг учун шу вақтида тўйиб овқатланиши зарур. Акс ҳолда эркак киши ўз хизмат ва ахлоқий (эрлик) бурчини бажаролмайди. Еб-ичмайдиган инсоннинг тоат ибодат қилишга кучи бўлмайди, эр-хотиннинг мажбуриятини адо этишга қуввати етмайди, соғлом фарзандларни дунёга келтира олмайди.

Авестода қариндошларнинг ўзаро оила қуриши қонун билан қатъий ман этилган. Зеро, қавм ва уруғ қони тоза авлоднинг соғломлиги учун шундай қилинган. Айниқса, кўп болали оилаларга давлат хазинасидан нафақа тайинлаш ва бир йўла 2-3 та фарзанд кўрган аёллар учун имтиёзлар берилган ва туя билан мукофотланган. Айни пайтда аёл ҳомиласини олдириш ва тушириш гуноҳ деб ҳисобланган, айбдорлар ўлим жазосига маҳкум этилган. Шунингдек, аёл ва фарзандларини сарсон-саргардон қиладиган оила



бошлиғига, зиного берилган эркак ва аёлга нисбатан дарра билан калтаклашган ёки ўлим жазоси қўлланилган.

Авестода ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётнинг барча соҳалари жумладан, таълим-тарбияга оид қимматли маълумотлар ҳам мавжуд.

Мазкур ёдгорликлардаги айрим қайд ва ишоралар ном ва атамаларга кўра зардуштийликнинг илк куртаклари пайдо бўла бошлаган. Эрамиздан олдинги IX асрдаёқ ҳозирги Мовароуннаҳр ва Хуросон халқлари яшаган минтақаларда таълим ва тарбия хийла ривожланган.

Барча қавм ва қабила аҳиллари орасида лажомзадан (отни эгарлаш) кўрсатадики, таълим жараёнида кундалик ҳаёт учун зарур бўлган барча билимларни ўқитилган ҳунарлар ўргатилган. Масалан, чорвачилик билан шуғулланувчи қавмлардан қиз болаларга юнгдан ип юргизиш, чархда ишлаш ҳар хил либослар тўқиш, тикишни билиши ва кўпайтириш туя ва отларни тарбиялаш уларни бошқара олиш, узоқ яйловларда сурувларни ҳайдаш, чорвани дарронда ҳайвонлар қароқчилардан ҳимоя қилиш каби 32 ҳарбий ҳунарни билиши мажбурий бўлган. Ана шу малакалар ҳосил бўлгач қизлар 15, ўғил болалар 17 ёшида “Лажом задан” ва “Зин задан” имтиҳонидан ўтган. Ана шундан кейин уларга уйланишга, рўзгор қилишга рухсат берилган. Шундан кейин улар чўпон чулуғини олиб от, туя миниб юриш ҳуқуқини қўлга киритишган. Алоҳида иқтидорли йигитлар эса чавандозликка махсус тайёрланган ҳарбий ҳунарларга ўрнатилган. Ҳунармандчилик, деҳқончилигу-боғдорчилик билан шуғулланадиган ҳудудларда йигитлар “камарбостон” расмидан ўтишган. Бунда қавм оқсоқоллари йиғини ҳар бир йигитни ота касбидан ташқари ҳарбий билимлар чавандозлик, кураш тушиш, ҳар хил тўсиқларни ошибкечибўтиш бўйича имтиҳондан ўтказишган. Ҳарбий таълимга алоҳида эътибор берилган.

Зардуштийлик расман қабул қилинган ибодатхона оташкадалар ҳузурида подшолик тасарруфидаги махсус мактаблар очилган, уларнинг таълим тизими ишлаб чиқилган. Болалар уч ёшгача ота-она қўлида 5 ёшдан 8 ёшгача хусусий муаллимлар назорати ва тарбиясида бўлган. Уларга диний ва дунёвий билимлар мутаносиб тарзда ўқитилган. Улар оташкада тасарруфдаги дармонгоҳ (чопикчилик) сихатгоҳ (касалхона)лардан ўтишган, ўқиш ишлаб чиқариш билан қўшиб олиб борилган. Масалан, доривор ўсимликлар йиғишга жалб қилинган юмушлар билан узлуксиз банд бўлишган. Бадантарбия билан шуғулланишган. Таълим жараёнига аста-секин математика, астрономия, тиб билими, тарих, ҳуқуқшунослик, гигиена сингари фанлар кириб борган. Ёшларнинг маънавий камолотини кўзлаб уларга зардуштийлик дини асослари Ахурамазданинг фарзларию зардушт ўғитлари пухта ўқитилган. Иккинчи томондан, уч яхши ишда сусткашлик қилмаслик яъни андешалик (яхши амал)ни ҳамиша эсда тутиш ҳамда уч ёмон ишдан, ёмон хулқдан, ёмон сўздан ва ёмон амалдан юз ўгиришга одатлантирилган.

Ҳар бир зардуштийни пок ният, ҳалол қилиб вояга етказиш талабларидан келиб чиқиб Авестода тарбиячилар ва муаллимларнинг бурчлари алоҳида белгилаб берилган.

Авестода одамлар руҳиятига рост сўз, пок ақидани сингдирадиган устозлар пешвоси сифатида мадҳ қилинади.

Демак, яхши устозлар соғлом, ақл-хушли фарзандларни, жасур, доно ва турли тилларни биладиган ўғил-қизларни, элни бало-қазолардан ҳимоя эта оладиган ўғлонларни, яхши келажак, порлоқ ҳаётни равшан кўз билан кўра оладиган авлодни тарбиялайди. Ўз дини, халқи, юртига меҳр, ҳамжихатлигу, одамларга яхшилик исташ ўқувчиларга донишманд устозлардан юқади. Ёдгорлик бўлиб қолади.



Хуллас энг кўхна ёдгорлигимиз Авестода таълим-тарбиянинг амалик томонлари, устознинг ёш авлод тарбияси, жамият олдидиги бурчи ҳақидаги ана шу мулоҳазалар ҳануз ўз қимматини йукотган эмас, жуда ҳам зарурдир.

Маълумки, бизнинг тарихий бебаҳо ёдгорлигимиз бўлган Авестонинг яратилганлигига 2700 йил бўлди. Инсоният бу китоб орқали ўз маънавиятининг кўпгина саволларига жавоб топади. Марказий Осиёликлар, айниқса биз Ўзбекистонликлар бу ёдгорликкаталпинмаслигимиз мумкин эмас.

Авестода ўзбек халқи аждодлари заминдаги энг қадимги ва қудратли инсонлар сифатида тилга олинади.

“Бу нодир китоб-деган эди биринчи президентимиз Ислам Каримов, - бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг бизга қолдирилган маънавий тарихий меросиди”. “Авесто” айни замонда бу ўлкада “Буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, буни ҳеч ким инкор эта олмайди”. Авесто таълимотича, ёшлар фақат жисмонан бақувват бўлиши етарли эмас, балки улар теран маърифатли бўлиши, маънавий комилликка интилиши, меҳнатсевар, мурувватли бўлмоқлари лозим. Бу айни биз бугунги мустақил Ўзбекистонимизнинг янги авлодларида кўришни ният қилаётган комил инсонийлик сифатларининг худди ўзгинасидир.

Хуллас, Авесто инсониятнинг ёруз келажагига, ёвузлик устидан эзгуликнинг ғалабаси ва адолат тантанасига ишонч ва умид бағишлайди. Авесто-абдий ва ҳамиша қимматли бўлиб қоладиганбуюк ёзма ёдгорликдир.

